



Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 43 (13.890)

Баҳоси эркин нарҳда

## ХАЛҚИМИЗНИНГ ҚАТЪИЙ ИНТИЛИШИ ВА УЛКАН БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИ РАМЗИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ КЎП ТАРМОҚЛИ "ҲУМО АРЕНА" СПОРТ КОМПЛЕКСИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар! Хурматли Халқаро хоккей федерацияси президенти Рене Фазель жаноблари!

Муҳтарам меҳмонлар! Хонимлар ва жаноблар! Аввало, сизларни Наврўз байрами арафасида, гўзал баҳор кунларида Ўзбекистон заминиде самимий қутлайман. Барчангизга чуқур ҳурматим ва энг эзгу тилакларимни билдиришдан бениҳоя мамнунман.

Бугун пойтахтимиз марказида ишга туширилган замонавий спорт қишлоғи – "Ҳумо арена" га ташир буюриб, қувончимизга шерик бўлаётганингиз учун сизларга катта раҳмат! Ушбу тантанали маросимда иштирок этаётган жаҳон спорт юлдузлари, машҳур маданият ва санъат арбоблари, дипломатлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари, етакчи компаниялар раҳбарларига қарата айтмоқчиман:

Хуш келибсиз, меҳмондўст Ўзбекистон заминига!

Азиз дўстлар! Бугун биз юртимизда кенг қўламли ислохотлар ва жадал ўзгаришларни амалга оширмоқдамиз. **Ва бу йўлда жисмоний соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш бизнинг устувор вазифамиз ва биз бунинг учун бор куч ва маблағларимизни сафарбар этамиз.**

Шу маънода, биз жисмоний тарбия ва спортга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, ҳатто энг олис туманларда ҳам замонавий ва фойдаланиш учун қулай спорт инфратузилмаси барпо этилмоқда. Кейинги икки йилда мамлакатимизда спорт билан доимий шуғулланидиганлар сони икки баробар кўпайди.

Юртимиз спортчилари турли халқаро мусобақаларда мингдан зиёд медалларни қўлга киритди, улардан 400 дан ортиғи олтин медаллардир. Ҳозирги вақтда бокс, дзюдо, эркин кураш, бадий гимнастика, шахмат ва бошқа спорт тур-

лари бўйича Ўзбекистонда шаклланган мактаблар бутун дунёда маълуму машҳурдир.

Мамлакатимизда ўтказилаётган нуфузли халқаро мусобақалар, жумладан, дунё ва қитъа чемпионатлари сони йил сайин ортиб бормоқда. Биз 2030 йилда Ўзбекистонда ёзги Осиё ўйинларини ўтказиш ташаббуси билан чиқдик.

Хурматли хонимлар ва жаноблар! Биз спортчиларимиз киши спорт ўйинлари, жумладан, энг қизиқарли бўлган фигурали учуш, хоккей, тоғчанги спорт, фристайл, сноуборд ва бошқа спорт турлари бўйича Ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишига интилоқдамиз.

Ўтган асрнинг етмишинчи йилларидаёқ Тошкентда "Юбилейний" муз спорт саройи, "Бинокор" хоккей жамоаси, Тошкент вилоятида тоғчанги трассаси мавжуд бўлган.

Бизнинг бу борада эришган ютуқларимиз орасида фристайл бўйича киши Олимпия ўйинлари ва жаҳон чемпионатида қўлга киритилган олтин медаллар, фигурали учуш бўйича Осиё ўйинлари ва бошқа халқаро мусобақаларда эришилган 70 дан зиёд медаллар борлигини таъкидлаш лозим.

**Биз спорт соҳасидаги ана шундай шонли анъаналарини давом эттиришни ўз бурчимиз деб биламиз.**

Ўтган йили мамлакатимизда тўртта хоккей клуби ташкил этилди. Бу йил февраль ойида шайбали хоккей бўйича биринчи бор Ўзбекистон чемпионати ўтказилди.

Ўзбекистон спортчилари яқинда Красноярскда ўтказилган Бутунжаҳон киши универсиадада илк бор иштирок этди. Ушбу замонавий муз саройининг ишга туширилиши Ўзбекистон тарихида янги босқични бошлаб беради, десак, ўйлаймани, муболага бўлмайди.

Мазкур иншоот ўзининг илғор меъморлиги ва муҳандислик-қурилиш ечимлари, техник жиҳозланиш даражасига кўра нобдир. Биз ҳамкорларимиз – етакчи компанияларнинг энг сўнгги ишланмаларини жалб этишга ҳаракат қилдик.

Ишончим комилки, "Ҳумо арена" юксак малакали спортчиларни тайёрлаш ва Ўзбекистонда йирик халқаро мусобақалар ташкил этиш ва энг асосийси – ёшларимизни киши спорт турларига кенг жалб этишга хизмат қилади.

Бундай мажмуа ва марказларни биз келгусида юртимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам барпо этамиз.

Шу муносабат билан бугунги тадбирда иштирок этаётган хурматли меҳмонларимиз – машҳур спортчи ва мураббийлар – дунё спорт юлдузларига муносабат қилиб, айтмоқчиман: **биз сизнинг қўллаб-қувватлашингиз, билгим ва маҳоратингиз, улкан профессионал тажрибангизга ишонамиз.**

Қадрли дўстлар! Бизнинг пойтахтимизга узукка кўз кўйгандек ярашиб турган, сизларнинг иштирокингизда фойдаланишга топширилган бу замонавий спорт саройи ушбу йўналишдаги ишларнинг дастлабки амалий натижасидир.


Тўлиқ ишонч билан айтиш мумкинки, барча халқаро талабларга жавоб берадиган ушбу нобд комплекс спортни севадиган халқимиз, айниқса, ёшларимиз қалбидаги орзуни амалий ифодаси бўлди.

Ана шу орзунинг ҳақиқатга айлантирилган, қисқа муддатда шундай улғувор мажмуани барпо этган лойиҳачи, меъмор, қурувчи, ва муҳандисларга, чет эллик мутахассисларга, бу эзгу ишга ҳисса қўшган барча инсонларга чуқур миннатдорлик билдиришга ижозат бергизилди.


Ҳеч шубҳасиз, бугунги кун миллий спортимиз тарихида ёрқин саҳифа бўлиб қолади. Бутун кўп миллатли халқимизни, ушбу тадбиримизнинг барча иштирокчилари ва меҳмонларини бугунги тарихий воқеа – "Ҳумо арена" спорт саройининг очилиши билан чин қалбимдан табриклаймиз. Барчангизга тинчлик-омонлик, улкан зафарлар ва янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

Эътиборингиз учун катта раҳмат.

ЎЗА



**Янги йирик sanoat иншоотлари, туб иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар Ўзбекистоннинг довруғини оширмоқда. Юртимизга хорижий сармоядорлар манфаатли ва ишончли бизнес макони, чет эллик туристлар бокира гўзаллик тимсоли ва тарихнинг бетакрор гувоҳи сифатида қараяпти.**



Экспертлар эса буларнинг барчаси қаторида Ўзбекистон бунёдкорлик ўлкасига айланиши ҳам таъкидлайди.

Дарҳақиқат, юртимизнинг қайси гўшасига борманг, қурилиш материаллари ташиб кетаётган улкан юк машиналарига, тинимсиз ишлаётган кранларга кўзингиз тушади. Ўзбекистонга бир келган киши иккинчи сарфанинг таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганини эътироф этаётгани ҳам ҳақиқат. Ўзимиздан қиёс – қайси шаҳарда яшашимиздан қатъи назар, унинг бирор кўчасига бир-икки йил бормасак, ногоҳ йўлимиз тушганида адашиб қолишимиз рост. Янги қад ростлаган биналар эски тасаввурдаги мўлжални бузиб юборади.

Бир сўз билан айтганда, умумэтироф этилаётган иқтисодий ютуқлар, мулоқот янги асосдаги самарали ташки сиеват баробарида бунёдкорлик ҳам Ўзбекистон ҳақида тилга олинаётган гаплар, билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг бош мавзусига айланган.

Бунинг негизда халқимизга хос янгилашга интилиш ҳисси, атрофдаги манзарани гўзаллик билан бойитиш фазилати, айни пайтда катта ишларга қўл ура олиш журъди мужассамдир.

Тошкент марказида энг замонавий стандартларга тўла мос келадиган муз спорт саройи барпо этилгани бу фикрнинг инкор этиб бўлмас ёрқин далилидир.

Президент Шавкат Мирзиёев 2017 йил 3 февраль кун "Ҳумо Арена" мажмуасига рамзий тош қўйиш маросимида қатнашиб, бу каби замонавий спорт иншоотлари баркамол авлод тарбиясида алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлади.

Ўтган вақт мобайнида давлатимиз раҳбари ушбу бекиёс бунёдкорлик жараёни билан бир неча бор танишиб, мутасадди раҳбарларга қурилиш юқори сифат билан амалга ошириш бўйича зарур кўрсатмалар берди.

Мана, меъмордан боғбонгача, конструктордан ҳайдовчигача, муҳандисми ё кранчи, хуллас, бу улкан ишда қатнашган барча-барчаннинг фидокорона меҳнати, халқимизнинг буюк журъди натижасида бугун бош шаҳримиз бўлган Тошкентимиз, бутун Ўзбекистонимиз шундай жавоҳирга эга бўлди.

Афросиёб ва Бешёғоч кўчалари кесишувида бунёд этилган ушбу мажмуа дизайнида замонавий қурилиш ечимлари ва илғор технологиялар миллий маданият элементлари билан уйғунлашиб кетган. Мажмуа кўкда парвоз қилаётган бахт ва хурлик рами – Ҳумо қуши шаклида барпо этилди.

15 март кун ушбу муҳташам спорт қишлоғининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, барчани ушбу қўлғу воқеа билан табриклади.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда олиб борилган кенг миқёсли ислохотларда соғлом ва баркамол ёш авлодни тарбиялаш, жисмоний тарбия ва спортни ривож-

лантиришга алоҳида аҳамият қаратилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон давлат мадҳияси янгради. Мажмуанинг тантанали очилиш маросими спорт муҳлисари ёдида узок вақт сакланиб қолади. Маросимнинг бош гоёси санъат ва спортни биргаликда уйғунлаштиришдан иборат бўлди.

Очилиш маросими спортчи ва санъаткорлар ҳамкорлигида тайёрланган шоу дастур билан давом этди. Муз майдони сатҳида 3D мэппинг технологияси асосида Ҳумо қуши, бу ерда ўтказиладиган спорт турлари тасвири намойиш этилди. Спортчи-ёшлар ва болалар кўргазмалари чиккилар қилди. Ўзбекистоннинг ёш спортчилари ва машҳур хоккейчилар ўртасида ўртоқлик учрашуви бўлиб ўтди.

"Ҳумо Арена" замонавий муз саройининг фойдаланишга топширилиши Ўзбекистон тарихида янги босқични бошлаб беради.

Қайд этиш керакки, кўп тармоқли "Ҳумо Арена" муз саройи дунёга машҳур ўндан ортик хорижий фирма ва компания билан ҳамкорликда барпо этилди.

Мажмуанинг концептуал лойиҳаси Жанубий Кореянинг "Heerim Architects & Planners" компанияси, том қисмининг лойиҳаси Австриянинг "Oberhofer Stahlbau" компанияси томонидан ишлаб чиқилган. Умуман, иншоотни қуриш ва жиҳозлашда Германия, Буюк Британия, АКШ, Испания, Италия, Бельгия, Франция, Финляндия, Россия каби мамлакатларда ишлаб чиқарилган техника ва технологиялардан фойдаланилган.

Иншоот икки қисмдан иборат бўлиб, унда асосий ва маш муз ареналари жой олган. Умумий майдони 82 минг 250 квадрат метрдан иборат 6 қаватли иншоотнинг энг баланд нуқтаси 40 метр.

Мобиль ўриндиқлар билан жиҳозланган саройда хоккей ўйинларини 12 минг 500, бошқа спорт мусобақаларини 14 минг, турли концерт ва дам олиш дастурларини 10 минг томошабин кузатади. Дам олиш маскани ва ижтимоий марказ сифатида барпо этилган муз саройида турли тадбирлар ўтказиш мумкин. Хусусан, аренада халқаро хоккей ўйинлари, кёрлинг, фигурали учуш, шорт-трек бўйича мусобақалар, баскетбол, волейбол, гандбол, футбол, бокс, тазквондо баҳсларини ўтказиш имконияти яратилган. Бундан ташқари, мажмуада умумхалқ байрамлари, концертлар, кўргазма ва форумлар ташкил этиш учун барча шароит муҳайё.

Мажмуада муҳандислик тармоқлари, ёнгини ўчириш, совушти тизимлари, ёритиш, вентиляция, иситиш қурилмалари тўлиқ автоматлаштирилган бўлиб, тежамкор технологиялар асосида ишлайди.

Қисқача айтганда, ушбу иншоот Ўзбекистон халқи фаровонлиги, тараққиёт ва ривожланиш йўлида янги саҳифа очилгани рамзидир.

Маросимда Халқаро хоккей федерацияси президенти Рене Фазель, дунёга машҳур спортчи ва санъаткорлар иштирок этди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**  
ЎЗА муҳбири

## ПРЕЗИДЕНТ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ БИЛАН ТАНИШДИ

**Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 14 март кун Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини кўздан кечирди.**

Давлатимиз раҳбари дастлаб "Tashkent City" халқаро бизнес марказига ташир буюриб, конгресс-холл ва беш юлдузли меҳмонхона қурилиши билан танишди. Мазкур иншоотлар қурилиши ўтган йил март ойида бошланган бўлиб, бугунги кунда муҳташам конгресс-холл ва 21 қаватли меҳмонхонанинг бетон-каркас ишлари ниҳоясига етган. Ҳозирги кунда металл конструкциялар ва коммуникацияларни монтаж қилиш, томи ёпиш, таққи пардозлаш ишлари олиб борилмоқда.

Президентимизга конгресс-холлнинг фасади, хоналари ва йўлакларининг қурилишига доир лойиҳалар намойиш этилди.

"Tashkent City" бизнес-марказлар, меҳмонхоналар, офислар, кўп қаватли уйлар, рестороанлар ва бошқа объектларни ўз ичига олган замонавий комплекс бўлади. Бу ерда олиё даражадаги тадбирлар, йирик халқаро анжуманлар ўтказилади.

Шавкат Мирзиёев конгресс-холлнинг асосий зали, ҳар бир хонасини кўздан кечириб, уларнинг қандай безатилиши ва жиҳозланиши, меҳмонлар учун қандай шароитлар яратилиши билан қизиқди. Халқаро саммитлар чоғида кўплаб делегациялар қатнашишини инобатга олиб, юқори мартаба-

ли меҳмонлар ва иштирокчиларнинг ҳаракатланиши, икки ва кўп томонлама учрашувлар ўтказиши, дам олиши учун кенг қулайликлар яратиш бўйича кўрсатмалар берди. Конгресс-холлнинг биринчи қавати замонавий дизайнда, иккинчи қавати эса классик услубда бўлиши зарурлигини таъкидлади. Йўлакларни юртимиз рассомларининг энг сара асарлари билан безатишни тақлиф қилди.

Конгресс-холл ёнида қурилаётган меҳмонхонага оид лойиҳалар ҳам намойиш этилди.

Шу билан бирга, Президент "Tashkent City" яқинида қад ростлаган "Homo Arena" муз саройида олиб борилаётган сўнгги пардозлаш ишларини кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбари 2017 йил 3 февраль кун ушбу мажмуа лойиҳасини маъқуллаб, унинг қурилишига тамал тоши қўйган эди. Ўтган қисқа вақтда мамлакатимиз шаҳар-созлигида янгилик бўлган кўп тармоқли спорт мажмуаси бунёд этилди.

Мажмуа Тошкент шаҳрининг Афросиёб ва Бешёғоч кўчалари кесишувида, 9 гектар майдонда қурилган. Замонавий муҳандислик технологияларини уйғунлаштирган "Homo Arena" мажмуасидан 12,5 минг ўринли кўп тармоқли муз аренаси, 200 ўринли

машғулотлар майдони, тренажёр зали, спорт музейи ва кўплаб бошқа объектлар ўрин олган.

Ҳар бири 60х30 метр ўлчамдаги асосий ва машк майдонлари мусобақаларни халқаро талаблар даражасида ўтказиш, ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун яқши имконият яратади.

Мобиль ўриндиқлар спорт мусобақаларидан бўш пайтда оммавий тадбирларни ўтказишга ҳам мослаша олади. Бу ерда хоккей, шорт-трек, фигурали учуш, кёрлинг билан бирга баскетбол, волейбол, гандбол, футбол, бокс, тазквондо ва бошқа спорт турлари оммалаштириш, спортчилар тайёрлашни янги, халқаро даражага олиб чиқиш борасидаги ишларга кучли суръат бағишлайди.

Президентимиз мажмуадан самарали фойдаланиш, оммавий тадбирлар вақтида хавфсизлигини таъминлаш, иншоот атрофини ободонлаштириш бўйича кўрсатмалар берди.

ЎЗА

## “ЙИЛ ОДАМИ”НИНГ ИЛК СОВРИНДОРИ

**Пойтахтимизда Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси томонидан 15 март – Халқаро истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўни муносабати билан тадбир ташкил этилди.**

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти директори Р.Комилов, Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси жамоатчилик комиссияси хайъат раиси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А.Кўнимов ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз томонидан амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида одамлар оғирини енгил қилиш, уларнинг ҳаёт фаровонлигини ошириш, эзгу мақсад-муддаоларини қўллаб-қувватлаш масалаларига доимий эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Туркия ва Жанубий Кореяда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг давримизнинг давлат арбоби сифатида “Йил одами” деб эътироф этилиши барча ҳамюртларимиз қалбига чексиз фахр ва ифтихор, гурур бағишлади. Бу каби хайрли ташаббусларнинг Ўзбекистонда ҳам бошлангани мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамияти билан ҳамқадим одимлаётганига ўзига хос ишорадир. Бундай ташаббуснинг давлат ёки бошқарув идоралари томонидан эмас, балки жамоат ташкилоти томонидан ўтказилаётганида катта рамзий маъно бор. Зеро, эндиликда “учинчи сектор” деб ном олган ноҳукумат ташкилотларининг, фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни ва фаоллиги охириги икки ярим йил мобайнида кескин ошди.

Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари қошида тузилган жамоатчилик хайъати жорий йилдан бошлаб жорий давлат ва ҳукумат раҳбарлари, аъзолари ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи бошқарув идоралари раҳбарларини истеъмолчилар манфаатларини ҳимоялашга қўшган муносиб ҳиссаси учун “Йил одами” соврини билан мукофотлаш ташаббуси билан чиқди.

Шунга қўра, федерация хайъати 2018 йил “Йил одами” деб Бирлашган Араб Амириклар Вице-президенти ва Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум ҳазрати олийларини халқаро миқёсда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ижтимоий ҳаракатини ҳар томонлама ривожлантириш борасидаги ҳуқуқ хизматлари учун “Йил одами” соврини билан тақдирлашга қарор қилди.

Давлат бошқаруви бўйича 50 йиллик иш тажрибасига эга, “Замонавий Дубай меъмори” дея эътироф этилган шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум ҳазрати олийлари 13 йилдан бери Бирлашган Араб Амириклар Вице-президенти ва Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими лавозимларида фаолият юритиб келади. Унинг раҳбарлигида Дубай шаҳрида оламшумул лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида мазкур шаҳар куррамиздаги энг йирик савдо-кўнгилочар марказлардан бирига айланди.

Тадбирда Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясининг “Йил одами” соврини соҳиби сифатида Бирлашган Араб Амириклар Вице-президенти ва Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум ҳазрати олийлари эълон қилинди. Ушбу совриннинг махсус статуэткаси ва дипломи Бирлашган Араб Амирикларининг мамлакатимиздаги элчихонаси муваққат ишлари вакили Рошид Али ал-Мазурга топширилди.

– Ушбу тадбир иштирокчиларига гоят катта ва самимий миннатдорлик билдираман, – дейди ЎЗА муҳбирига БААнинг мамлакатимиздаги элчихонаси муваққат ишлари вакили Рошид Али ал-Мазур. – Шахсан ўзим шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум ҳазрати олийлари “Йил одами” совринига сазовор бўлганларидан беҳад мамнунман. Айни пайтда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар янги босқичга кўтарилаётгани ва янада ривожланиб бораётгани икки халқ манфаатларига хизмат қилади.

Назокат УСМОНОВА

**Тошкент шаҳрида 15 март кўни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (ШХТ МАТТ) ташкил этилганининг 15 йиллиги муносабати билан тадбир бўлиб ўтди.**

## ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ МИНТАҚАВИЙ АКЦИЛТЕРРОР ТУЗИЛМАСИ – 15 ЁШДА

Унда ШХТга аъзо давлатлар ваколатли органлари, дипломатик корпус, ШХТ МАТТ Ижроия кўмитаси вакиллари иштирок этди.

Тадбирда тузилманинг экстремизм, сепаратизм, минтақада мавжуд муаммоларга ечим топиш, шу мақсадда халқаро тузилмалар билан ҳамкорликни ривожлантириш, ШХТга аъзо давлатлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш йўлидаги фаолияти муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан тузилма Ижроия кўмитасининг хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашдаги ишлари янада самарали ташкил этиши ва зарур шароит яратиш мақсадида Тошкентда ШХТ МАТТнинг янги бир замонавий биноси барпо этилди. Тузилма ташкил этилганининг 15 йиллиги муносабати билан ўтказилган тадбир доирасида у тантанали равишда фойдаланишга топширилди.

Шу кўни ШХТ МАТТ Кенгашининг навбатдаги, ўттиз тўртинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Хиндистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Покистон Исломи Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси ваколатли органлари ва ШХТ МАТТ Ижроия кўмитаси вакиллари иштирок этди.

Россия Федерацияси раислигида ўтган мажлисда ШХТ МАТТ Кенгашининг ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашига тақдим этиладиган 2018 йилги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи маъқулланди. ШХТга аъзо давлатлар ваколатли органлари ва ШХТ МАТТ Ижроия кўмитасининг 2016-2018 йилларда терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашда ШХТга аъзо давлатларнинг ҳамкорлик дастури ижроси бўйича фаолияти яқунлари муҳокама қилинди.

Тадбирда ШХТ МАТТ Кенгаши қарорлари ижросига доир маълумотлар кўриб чиқилди. ШХТга аъзо давлатлар ваколатли органлари экспертларидан иборат кўшма ишчи гуруҳи ҳамда ШХТ МАТТ Ижроия кўмитаси вакилларининг 2017-2018 йилларда интернет тармоғидан террористик, сепаратистик ва экстремистик мақсадларда фойдаланиш ҳолатларини аниқлаш, уларнинг олдини олиш, бартараф этиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқишга доир фаолияти ижобий баҳоланди.

2019 йилда ШХТга аъзо давлатлар ваколатли органларининг ҳамкорликдаги “Сари-Арка – Аксилтеррор – 2019” машғулоти, “Бирдамлик – 2019-2021” чегара амалиётининг биринчи босқичи, ШХТга аъзо давлатлар чегара хизматлари раҳбарларининг еттинчи мажлиси ҳамда ташкилотга аъзо давлатлар мутахассислари учун интернет тар-

моғидан террористик, сепаратистик ва экстремистик мақсадларда фойдаланиш ҳолатларини аниқлаш, уларнинг олдини олиш, бартараф этиш бўйича семинар-тренинг ўтказиш юзасидан қарорлар қабул қилинди.

ШХТ МАТТ Ижроия кўмитасининг ўтган даврдаги фаолиятига ижобий баҳо берилди. ШХТ МАТТ фаолиятини ривожлантириш ва ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси учун ШХТ МАТТда ўз фаолиятини яқунлаган Хитой Халқ Республикаси вакили Ли Вэй ҳамда Покистон Исломи Республикаси вакили Тасним Асламга “ШХТга аъзо давлатнинг ШХТ МАТТ Кенгашидаги фахрий вакили” унвони берилди. ШХТга аъзо давлатлар ваколатли органлари ва ШХТ МАТТ Ижроия кўмитасининг қатор ходимлари Кенгашининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик нишонлари билан тақдирланди.

ШХТ МАТТ Ижроия кўмитаси фаолиятини ташкилий, кадрлар ва молиявий жиҳатдан таъминлаш масалалари бўйича қарорлар қабул қилинди.

ШХТ МАТТ Ижроия кўмитасининг навбатдаги мажлисини 2019 йил сентябрь ойда Россия Федерациясида ўтказишга келишиб олинди.

Кенгаш мажлиси амалий, конструктив ва дўстона руҳда ўтди.

Улуғбек ШОНАЗАРОВ

**Тошкентдаги Инҳа университетиди DigiGirll High Tech Camp Uzbekistan таълим дастурининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Microsoft корпорациясининг қизлар учун таълим соҳасида илм-фан, технология, муҳандислик ва математика соҳаларини такомиллаштирувчи мазкур DigiGirll дастури келгусида глобал иқтисодийнинг муаммолари ва чақириқларига тайёр турувчи ходимларни тайёрлаш учун мўлжалланган.**

## ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ДУНЁСИГА ҚАДАМ

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Шерзод Шерматов, Тошкентдаги Инҳа университети ректори вазифини бажарувчи Музаффар Жалоловлар мазкур таълим дастурининг мақсадлари хусусида тўхталиб, унда фаол иштирок этаётган 100 нафар иқтидорли қизнинг келгуси фаолиятига муваффақият тилади.

– Замон кундан кун ривожланиб, технологиялар янгилиниб бормоқда, – дейди халқ таълими вазири Шерзод Шерматов. – Аёлларимиз, айниқса, ёш қизларимизнинг бу жиҳатдан ортда қолиб кетиши мамлакатимиз ривожига тўсқинлик қилиши мумкин. Шунинг учун бугунгидек тадбирларнинг аҳамияти катта. Қизларимизга ёшлагандан ахборот технологияларини, уларни қўллаш

олишни ўргатиш энг керакли вазифалардан биридир.

Дастур доирасида иштирокчилар Microsoft корпорацияси мутахассисларидан виртуал ҳақиқат ва унинг тенденциялари, мобиль иловалар учун интерфейс дизайнлари, касб танлаш ва муваффақиятга эришиш бўйича билим ва кўникмалар олди.

Тадбир давомида иштирокчилар Microsoftнинг Марказий ва Шарқий Европадаги бош менежери Анке Ден Оуденнинг DigiGirll дастурининг мақсадлари ва Microsoftнинг қизлар иқтидорини ошириш борасидаги фаолияти ҳақидаги онлайн маърузасини тинглади.

Бундан ташқари, дастур иштирокчилари ўз лойиҳалари тақдимотини ҳам намойиш этди.

(ЎЗА)

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ:

### ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Тошкент шаҳрида 15 март кўни Марказий Осиё биринчи иқтисодий форуми бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан илк бор ташкил этилган мазкур йирик форумда Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркменистон ҳукуматлари вакиллари минтақа давлатлари ўртасида иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, ўзаро савдо ҳажми ва туризм жозибадорлигини ошириш масалаларини муҳокама қилди.

Форум очилишида Марказий Осиё мамлакатларида иқтисодий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш, экспортни диверсификация қилиш, етакчи тармоқларда технологик ва инновацион ечимларни топиш каби долзарб масалаларни ҳал этишда минтақавий ҳамкорликни кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

– Сўнгги йилларда Марказий Осиёда ўзаро ишонч ва яхши кўшнчилик муносабатлари кучайди, – деди Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Э.Ғаниев. – Транс-

порт-коммуникация, энергетика соҳаларидаги алоқалар ривожланмоқда. Хусусан, 2018 йилда минтақада ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 35 фоизга ўсган. Шунга қарамай, савдо-иқтисодий соҳада эришилган натижалар мамлакатларимиз салоҳиятига мос эмас.

Қайд этилганидек, минтақа мамлакатлари олдида савдо-иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлаш, транзит имкониятларини кенгайтириш ва транспорт марказларини ривожлантириш учун янада кулай шарт-шароит, зарур инфратузилмаларни яратиш каби вазифалар турибди.

Форумда минтақа давлатларига денгиз портлари ва халқаро бозорларга чиқиш имконини берадиган транспорт ва логистика тизимларини такомиллаштириш, мавжуд туристик салоҳиятдан самарали фойдаланиш ҳисобига сайёҳлик тармоғининг иқтисодийдаги улушини ошириш бориш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

– Минтақа давлатлари раҳбарлари ташаббуси билан халқаро транспорт йўлакларини кенгайтиришга доир сазай-ҳаракатлар фаоллашди, – деди Туркменистон молия ва иқтисодий вазир ўринбосари Э.Аннамуҳаммедов. – Шу билан бирга, Марказий Осиё орқали ўтувчи халқаро транспорт йўлакларини ҳам ташкил этилмоқда.

2017 йилда Афғонистон, Туркменистон, Озарбайжон, Грузия ва Туркия “Ложувард” транспорт йўлагини яратиш тўғрисидаги келишувга эришди. Унга мувофиқ, автомобиль ва темир йўллари орқали Торкунди шаҳри (Афғонистон) Ашхобод ва Туркманбоши шаҳарлари билан боғланади. Шу тариқа йўлак Европанинг транспорт тизимига уланади.

Форум шувба мажлисларида кўп томонлама савдо-инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш, Марказий Осиёнинг сайёҳлик жозибадорлиги, транспорт ва транзит салоҳиятини ошириш бўйича тақлифлар ўрганил-

ди. Хусусан, Ўзбекистон томони Марказий Осиёда “Шенген”, “Ипак йўли” визаларини жорий қилиш ҳақидаги ташаббусни илгари сурди. Қозоғистон вакиллари минтақада инвестициявий муҳитни яхшилаш, космик соҳадаги ҳамкорликни йўлга қўйиш тақлифини билдирди.

– Глобал иқтисодий соҳада савдо урушлари авж олаётган бугунги кунда Марказий Осиё мамлакатлари, аввало, минтақавий инвестициявий муҳитни яхшилаш стратегиясини ишлаб чиқиши лозим, – деди Қозоғистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ж.Касимбек. – Ушбу вазифа минтақанинг халқаро савдо имкониятларини ошириш борасида аниқ чоратадбирларни белгилаб олиш имконини ҳам беради.

Форумда минтақадаги мавжуд эркин иқтисодий зоналарда кўшма инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш, иқтисодийнинг етакчи тармоқларида кўшма корхоналар очиб, халқаро транспорт йўлакларини кенгайтиришга қаратилган ташаббуслар илгари сурилди.

Марказий Осиё биринчи иқтисодий форуми доирасида минтақа мамлакатлари ишбилармон доиралари кооперацион биржаси, шунингдек, “Ўзэк-спомарказ”да миллий ишлаб чиқарувчилар кўргазмаси ташкил этилди.

Форум яқуни бўйича томонлар кўшма баёнот имзолади.

Малоҳат ХУСАНОВА



## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Андижон вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи “Қалъа ёдгорлик мажмуаси” тасвирий санъат галереясида очилган кўргазма “Тасвириларда аёл тимсоли” деб номланди. Вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи, Ўзбекистон Бадиий академияси вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазмадан музей фондида сақланаётган ҳамда вилоят таниқли мусаввирларининг аёл, она тимсоли, уларнинг ҳаёти, фаолияти, ички кичинмалари акс этган тасвирий санъат асарлари жой олган.

● Жиззах вилояти ИИБ бошқармаси томонидан ўз ҳудудида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва аҳоли осойишталигини таъминлашда фаоллик кўрсатган бир гуруҳ профилактика инспекторлари ва маҳалла фаоллари мукофотланди.

● Қорақалпоғистон Республикаси Тахياتош туманида кам таъминланган 54 оилага янги уйлар қалити топширилди.

● Фориш тумани марказидан ўн чақирим олисда, тоғ ва адирлар, маъданли конлар билан ўралган ҳудудда жойлашган “Хонбанди” маҳалла фуқаролар йиғинида Ёшлар маркази иш бошлади. Бу ерга республика Ёшлар маркази томонидан 12 та компьютер ва шунча замонавий тикув машинаси, минг дона энг сара китоб ва бадиий адабиётлар тўхта этилди. Айни пайтда марказда 12 та тўғарак ташкил этилган бўлиб, уларда инновацион гоюлар амалиётига кенг эътибор берилмоқда.

● Украинанинг Черкас шаҳрида юқори доирадаги коррупцион можаро муносабати билан оммавий намойишга чиққанларнинг полициячилар билан тўқнашуви юз берди. Натижада 22 нафар ҳуқуқ-тартибот ходими жароҳатланди, уларнинг 19 нафари касалхонага ётқизилган.

● Жазоир пойтахтида талабалар ва ўқитувчилар иштирокида амалдаги давлат раҳбари Бутефликанинг тўртинчи бор мамлакат президентлигига сайланмишга қарши норозилик намойиши бўлиб ўтди. Бундай тадбирлар мамлакатнинг бошқа йирик шаҳарларида ҳам ўтказилди. Ҳозирда Жазоирда кўпчилик корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан 10 мартдан бошлаб умумиллий иш ташлаш акцияси амалга оширилмоқда.

## ЖАҲОНДА

● Украинанинг Черкас шаҳрида юқори доирадаги коррупцион можаро муносабати билан оммавий намойишга чиққанларнинг полициячилар билан тўқнашуви юз берди. Натижада 22 нафар ҳуқуқ-тартибот ходими жароҳатланди, уларнинг 19 нафари касалхонага ётқизилган.

● Жазоир пойтахтида талабалар ва ўқитувчилар иштирокида амалдаги давлат раҳбари Бутефликанинг тўртинчи бор мамлакат президентлигига сайланмишга қарши норозилик намойиши бўлиб ўтди. Бундай тадбирлар мамлакатнинг бошқа йирик шаҳарларида ҳам ўтказилди. Ҳозирда Жазоирда кўпчилик корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан 10 мартдан бошлаб умумиллий иш ташлаш акцияси амалга оширилмоқда.

(ЎЗА)

## ҚИСКА САТРАПДА

● Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва пойтахтимиздаги 11 та туман халқ таълими бўлимлари томонидан “Мен шу азиз Ватан фарзандиман” шиори остида маънавий-маърифий тадбирларни ўтказиш бўйича “Йўл харитаси” тайёрланди.

● Пойтахтимиздаги “Чилонзор Оқтепа” ва “Юнусобод Оқтепа” археологик ёдгорликларини қайта тиклаш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Бунинг учун тарихчи олимлар, ҳайкалтарош усталар ва археологлардан иборат ишчи гуруҳ ташкил этилди.

● “Китоб олами” мажмуасида “ЎзагроСУГурта” АЖ томонидан “ЎзагроСУГурта” АЖ – СУГУРТА бозорида 22 йил” мавзусида матбуот ажумани ўтказилди.

● Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ёшлар ўртасида соғлом маънавий муҳитни шакллантириш, жисоиятчиликнинг олдини олиш ҳамда ўсиб келаётган авлоднинг ҳар томонлама етук бўлиб ўлаётганини таъминлашга қаратилган “Барчаси ўз қўлинда” шиори остида тартибот тадбири ўтказилди.

## МИРАБОР УСМОНОВ

Мамлакатимиз жамоатчилиги оғир жудолликка учради. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари, таниқли давлат ва жамоат арбоби, сенатор Мирабор Зуфарович Усмонов шу йил 15 март куни 72 ёшда вафот этди.


М.Усмонов 1947 йил Тошкент шаҳрида туғилди, 1978 йилда Самарқанд кооператив (ҳозирги иқтисодиёт ва сервис) институтини иқтисодчи мутахассислиги бўйича тамомлади. Ўз иш фаолиятини 1964 йилда Тошкент шаҳридаги "Баҳор" ресторанида бошлади. Кейинчалик Тошкент шаҳридаги бир қатор ресторанларда турли вазифаларда ишлади.

Ўз ҳаётини эл-юрт хизмати бағишлаган М.Усмонов кўп йиллар мобайнида Тошкент шаҳар ресторанлар трести директори, Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси умумий оқватланмиш бош бошқармаси бошлиғи лавозимларида самарали фаолият кўрсатди. Муваққиллигининг дастлабки йилларидаги мураккаб ўтиш даврида мамлакатимизда озиқ-овқат таъминотини яхшилаш, ички бозорни сифатли истеъмол товарлари билан тўлдирish, савдо ва маиший хизмат соҳаларида ислохотларни амалга ошириш ва малакали кадрлар тайёрлаш борасида унинг хизматлари катта бўлди.

Бой меҳнат ва ҳаёт тажрибасига эга бўлган бу заҳматқаш инсоннинг раҳбарлик ва ташкилотчилик қобилияти Ўзбекистон Республикаси савдо вазири, "Ўзбексавдо" давлат уюшмаси раиси, Бош вазири ўринбосари каби масъул вазифаларда ишлаган йилларида яққол намоён бўлди.

У 2005-2019 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қўмитаси раиси, раис ўринбосари лавозимларида фаолият олиб бориб, миллий парламенти-

**Ш.МИРЗИЁЕВ, Н.ЙҮЛДОШЕВ, Н.ИСМОИЛОВ,  
А.АРИПОВ, Ж.ОРТИҚҲҲАЕВ, Ш.ЖАЛИЛОВ**



миз ривожига муносиб ҳисса қўлди. М.Усмонов Ўзбекистон футбол федерацияси ҳамда Миллий олимпия қўмитаси раиси сифатида ҳам самарали фаолият олиб бориб, ушбу соҳаларни ривожлантириш, мамлакатимизнинг халқаро нуфузини юксалтириш борасида жонбозлик кўрсатди.

Унинг жамоат ишларидаги фаол иштироки, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш йўлидаги катта хизматлари эл-юртимизга яхши маълум.

М.Усмоновнинг кўп йиллик самарали меҳнати давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У "Ўзбекистон Республикаси давлат хизмати кўрсатган ёшлар мураббийси" фахрий унвони, "Дўстлик", "Меҳнат шўхрати", "Фидокорона хизматлари учун", "Эл-юрт ҳурмати" орденлари билан мукофотланган эди.

Ташаббускор ва ташкилотчи раҳбар, меҳрибон устоз, самимий ва камтарин инсон Мирабор Усмоновнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамيشа сақланиб қолади.

## ТУРИЗМ СОҲАСИДАГИ ТАШАББУСЛАР

**Бугун мамлакатимизда миллий иқтисодиётнинг энг муҳим секторларидан бири ҳисобланган туризм соҳасини ривожлантириш, юртимизнинг ҳали тўла ишга солинмаган сайёҳлик салоҳиятидан самарали фойдаланиш, хорижий сайёҳлар оқимини кўпайтиришга алоқарда эътибор қаратилмоқда.**

Соҳани ривожлантиришда жамоат ташкилотларининг роли ҳам жуда муҳим ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан Ўзбекистон Ошпазлар уюшмаси, Аэронавтика федерацияси, География жамияти, Экстремал ва тоғ туризми федерацияси, Рестораторлар ва отелерлар уюшмаси, Хусусий туристик ташкилотлари ассоциацияси ва бошқа шу каби жамоат ташкилотлари билан изчил ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди.

Жамоат ташкилотларининг туризмни ривожлантиришга қаратилган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳа ва ташаббуслари қўмита томонидан қўллаб-қувватланмоқда, молиявий ва услубий қўмақ кўрсатиб келинмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Ошпазлар уюшмаси туризмнинг бошқа турлари каби Гастрономик туризмни омаллаштиришга қаратилган лойиҳаси доирасида мамлакатимизнинг энг кучли ошпазлари билан биргаликда "Вкусный Ўзбекистан" ноёб китобини яратиш устида ишломқдалар.

Ошона энциклопедияси форматидан мазкур китоб Ўзбекистоннинг барча худудларидан турли хил таомлар рецептларини ўз ичига олади. Китобда нафақат машҳур миллий таомларимизни тайёрлашнинг усуллари, балки кичик шаҳарлар ва хатто қишлоқлар учун хос бўлган таомларнинг таърифлари ҳам киритилди.

Шунингдек, Тошкентнинг гастрономик харитасини тузиш устида иш олиб борилмоқда. Гастрономик хаританинг асосий вазифалари гастрономик туризмни жадал ривожлантириш, ўзининг таомлари, хизмат кўрсатиш сифати, санитария ва гигиена ҳолатининг юқорилиги ва бошқа жиҳатлари билан пазандачилик санъатининг у ёки бу турларини намоён этиш оладиган умумий оқватланмиш масканларини аниқлаш, улардаги хизмат кўрсатиш ва сервис сифатини жаҳон стандартлари даражасига олиб чиқишдир.

Гастрономик харитани тузиш доирасида ҳар йили Тошкент пазандачилигининг бутун бойлигини бирлаштирувчи фестивал ташкил этиш, пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларига намоиш қилиш режалаштирилган.

Тошкент вилоятида туризмнинг экстремал ва тоғ туризми йўналишлари бўйича қулай муҳит яратилган. Чанги, сноубординг, паррапанд ва делтолданчилик, велоспорт, мотоспорт каби спорт турларини ривожлантириш учун табиий шароитлар етарли. Айни пайтда Ўзбекистон Экстремал ва тоғ туризми федерацияси томонидан Тошкент вилоятида туризм-

нинг экстремал турларини ривожлантириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Туризмни ривожлантириш қўмитаси кўмағида Экстремал ва тоғ туризми федерацияси томонидан Тошкент вилоятида қишки спорт фестивали ташкил этилди.

Чимён тоғидаги "Чимён оромгоҳи"да "Chimgal-Extreme - 2019" қишки спорт турлари бўйича тоғ-фестивали шулар жумласидан. Фестиваль доирасида чанги, сноубординг, паррапандани ўқитиш бўйича машрақалар ўтказилди.

Шунингдек, жорий йилнинг февраль - ноябрь ойларига қадар Марказий Осиёнинг тоғли худудларида паррапандани ўқитиш бўйича "Uzbekistan Cross country cup-2019" Ўзбекистон очик кубоғи ўтказилмоқда.

Спортнинг экстремал турлари бўлиши аэроостатлар (хаво шарлари) парвози ҳам юртимизда омаллашмоқда. Ўзбекистон Аэронавтика федерацияси лойиҳаси доирасида Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида 325 марта аэроостатлар (хаво шарлари) парвози 2100 дан ортиқ кишилар иштирокида амалга оширилди. Аэроостатларда парвоз учун 4 нафар ўнвучи тайёрлашнинг ўтказилди.

Илк парвозларда 200 нафар бола, жумладан Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, ижтимоий химояга муҳтож оилаларнинг фарзандлари, шунингдек, имконияти чекланганлар иштирок этишди. Аэроостатлар Ўзбекистоннинг тарихий обидалари узра 17 мартаба кўтарилди. Тошкент, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз аҳолиси учини аппарати аэроостатлар (хаво шарлари)ни жонли қўриш имкониятига эга бўлишди.

Жорий йилда туризм соҳасидаги жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда экстремал ва тоғ туризми, от, туя, велосипедда саёхат қилиш, off-road сайёҳатлари, балик ови, рафтинг, хелиски, геотуризм, таълим туризми, экологик, археологик, зинбат, тиббий туризм каби янги сайёҳлик йўналишларини омаллаштириш кўзда тутилган.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, туризмни жадал ривожлантиришга жамоат ташкилотларини кенг жалб қилиниши сайёҳлик йўналишларини кўпайтириш ва омаллаштиришга катта ҳисса қўшади. Шундай экан, бу йўналишда республика миқёсида тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш, қўшимча сармоялар жалб этиш ва инвестицион салоҳиятини кучайтириш, янги иш ўринларини яратишда жамоат ташкилотларини ролини ошириш долзарб аҳамият касб этади.

**Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

### ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳрида 2019-2020 йилларда иситиш мавсумига сифатли тайёргарлик қўриш мақсадида: - 2019 йилнинг 25 мартдан 5 апрелгача иситиш сув бўйича иситиш иситишчиларининг чегаралама билан иситиш тармоқлари ҳисобланган ҳарорат сивондан ўтказилади;

- 2019 йилнинг 3 апрелдан 26 апрелгача иситиш сув бўйича иситиш иситишчиларининг чегаралама билан иситиш тармоқларининг механик чидамлилиги ва пишиқчилиги (юқори босимда) сивондан ўтказилади.

Иситишчиларнинг амал қилиш зоналари манзили рўйхати:

**1-ИМ (М-1,4)**  
26 март - ҳисобланган ҳарорат 4 апрель - босим билан текшириш (опрессовка)

- Муствақиллик шох кўчаси, Мирзо Улуғбек, Буюк Ипак йўли, Қори Никёзий, Мухаммад Юсуф, Сайрам, Тамарахоним, Оққўрғон, Оққўрғон 1-тор кўчаси, Осиё, Л.Толстой, Навихон, Навихон 3-кўчаси, И.Мўминов, Кичик ҳалқа йўли, Катта ҳалқа йўли, Наманган, Зарбулоқ, Қирқийғит, Озодлик, Дўрмон йўли, Шаҳриобод, Зибиллар, Мирзакалон Исмоилий, Богшиамол, Паркент, Қаландар, Ясси, Бўз, Сайрам 5-тор кўчаси, Сайрам 7-тор кўчаси, Чуст, Катта Дархон, Катта Дархон 2-тор кўчаси, Геология, Нибёзбек йўли, Тамарахоним тор кўчаси кўчалари, Тошқиллоқмаш, Мавлоно Рибёзий, Ялонғоч, Бўз-1 даҳалари, ТошГЭС совёלקаси, Ҳамид Олимжон майдони, Аграр университет зонаси.

**2-ИМ**  
9 апрель - босим билан текшириш (опрессовка)  
- Мирзо Улуғбек, Темури Малик, Авайхон, Мингбулоқ, Феруза, Миришкор, Ш.Бурхонов, Р.Хамроев, Салом, Дўрмон йўли кўчалари, Қорасув-1, 2, 3, 4, 6, Хумоюн, Феруза, Бўз-2 турар жой даҳалари, Геофизиклар посёлкаси.

**3-ИМ (М-1,4)**  
25 март - ҳисобланган ҳарорат 11 апрель - босим билан текшириш (опрессовка)  
- Бунёдор шох кўчаси, Навоий, Олмазор, Беруний, Ислон Каримов, Қоратош, Фурқат, Афросиёб, Кичик ҳалқа йўли, Самарқанд Дарвоза, Абай, Абдулла Қодирий, Кўча Дарвоза, Бешёғоч, Нурафшон, Пахтакор, Талабалар кўчалари, Чорсу майдони, Чорсу, Қоратош, Олмазор, Бешёғоч, М-10, 11, 13, 14, М-26, 27, 28, Б-1, Б-2, Б-3 турар жой даҳалари.

**4-ИМ (М-0,1)**  
1 апрель - ҳисобланган ҳарорат 22 апрель - босим билан текшириш (опрессовка)  
- Амир Темури, Муствақиллик шох кўчалари, Осиё, Богшиамол, Минор 1-берк, Чингиз Айтматов, Кичик ҳалқа йўли, Ҳамид Олимжон, Мингўрик, Абдулла Қодирий, Бодомзор, Боғиратов, М.Тўрғунбоева, Шифонур, Гулсарой, Себзор, Ситирасой, Шимолий Олмазор, Зиб, Зулфияхоним, Лабаз, Нурафшон, Қорақамиш, Қорақамиш 1-кўча кўчалари, М-1, 2, 4, 5, 6, 12, 15, М-17, 18 (Себзор), Тахтапал, Қорақамиш 1/1, 1/2, 1/3, 1/4, 2/1, 2/2, 2/5 даҳалари, Ҳамид Олимжон майдони.

**4-ИМ (М-4,8)**  
2 апрель - ҳисобланган ҳарорат 24 апрель - босим билан текшириш (опрессовка)  
- Амир Темури шох кўчаси, Аҳмад Дониш, Янгишаҳар, Дехнонбод, Соҳибкор, Катта ҳалқа йўли, Кичик ҳалқа йўли, Шаҳристон, Уч қаҳрамон, Мойқўрғон, Қулқотпа, Янги Юнусобод, Юнусота, Жумамасжид, Юнусобод даҳаси 1/19 мавзелари.

**5-ИМ (М-0,4)**  
8 апрель - босим билан текшириш (опрессовка)  
- Чилонзор даҳаси 5/12, 9А, 16/20, 24/26, М, 20А мавзелари, Дўмбиробод, Роҳат, Исҳоқов, Бобоев, Усмур, Тахияташ, Дўмбиробод мавзеи, Оқтепа, Шарк, Гулистон, Ал-Хоразмий-

1, 2 турар жой даҳалари, Заргарлик, Лутғий, Нурафшон, Гулҳанний, Қатортол, Гулистон, Муқимий, Богистон, Фарҳод, Чўпонота, Богистон, Самарқанд Дарвоза, Сеул, Кичик ҳалқа йўли, Нақшолик, Қозиробод, Катта хирмонтепа, Ширин, М.Шайхзода, 1-тор Қатортол кўчалари, Оқтепа мавзеи.

**6-ИМ**  
25 март - ҳисобланган ҳарорат 17 апрель - босим билан текшириш (опрессовка)  
- Муноси, Сарикўл, Эски Сарикўл, Янгизамон, Янги Қўйлик, Абдурауф Фитрат, Фарғона йўли, Толлимаржон, Файзобод, Меҳрибон, Сайхун, Сурхон кўчалари, Қўйлик-1/7, Қўйлик-Айланма турар жой даҳалари.

**7-ИМ**  
27 март - ҳисобланган ҳарорат 23 апрель - босим билан текшириш (опрессовка)  
- Қорасув, Бешарик, Бирлашган, Бирлашган 2-тор кўчаси, Чўлпон, Паркент, Элбек, Асалобод, Қувручлар, Уйсозлар кўчалари, Оҳангарон шоссеси, Тузель-1, 2, 3, 4, ДСК-1, Асалобод-1, 2, Авиасозлар шаҳарчаси-1, 1а, 2, 3, 4 турар жой даҳалари.

**8-ИМ**  
26 март - ҳисобланган ҳарорат 3 апрель - босим билан текшириш (опрессовка)  
- Сергели 1/8А, Йўлдош-1/18, М-1, 2, 3, Дўстлик-1, 2 турар жой даҳалари, Янги Сергели йўли, Меҳриғиё, Сўғдиёна, Қилчок, Чинор, Давлатобод, Дўстлик, Мирзо Тўрсунзода, Жаҳонаро, Қўрғонтепа кўчалари.

**9-ИМ**  
27 март - ҳисобланган ҳарорат 12 апрель - босим билан текшириш (опрессовка)  
- Чилонзор даҳаси 9, 9А, 10, 13/15, 15А, 21/25, 30, 31 мавзелари, Шарк, Ал-Хоразмий-1, 2, Бешқайрағоч, Гулистон, Иза турар жой даҳалари, Тақачи, Гулистон, Ширин, Лутғий, Катта ҳалқа йўли, Ўрикзор, Катта Хирмонтепа, Кичик ҳалқа йўли, Бешқайрағоч, Тўқимачи, Нашриёт, Ю.Саккокий, Фозилтепа, Фарҳод кўчалари, Ўрикзор бозори доирасида.

**10-ИМ**  
28 март - ҳисобланган ҳарорат 4 апрель - босим билан текшириш (опрессовка)  
- Фаробий, Беруний, Мўхбир, Мирзо Фолиб, Шифокорлар, Талабалар, Қамарнисо, Қорақамиш 1-кўча, Шифокорлар 2-кўча кўчалари, Ёшлик, Чимбой, Жарарик, Қорақамиш-2/3, 2/4, Бешқўрғон-1, 2, 3, 4, Қамарнисо, ЎзМУ - ТошДТУ, Олимпия, Ибн Сино 1, 2, Белтепа даҳалари, Шифокорлар шаҳарчаси.

**ИЭМ (М-0)**  
5 апрель - ҳисобланган ҳарорат 19 апрель - босим билан текшириш (опрессовка)  
- Рашидов, Бобур, Шота Руставели, Богистон, Арнасой, Катта Чилонзор, Афросиёб, Фидокор, Шохжаҳон, Д.Шоший, А.Авлоний, Беларик, Имом ат-Термизий, Ўрикзор, Богтепа 5-тор кўчаси, Жийдазор 1-тор кўчаси, Муқимий, Якуб Колос, Чимкент, Сеул Аския, Чўпонота кўчалари, Чилонзор даҳаси 1/5, Е, И мавзелари, М-7 турар жой даҳаси.

**ИЭМ (М-5,8)**  
29 март - ҳисобланган ҳарорат 26 апрель - босим билан текшириш (опрессовка)  
- Амир Темури, Муствақиллик шох кўчалари, Навоий, Бобур, Глинка, Афросиёб, Қумарик, Я.Ғулмолов, Буюк Тўрор, Махтумқули, Истикбол, Ислон Каримов, Бухоро, Истиклол, С.Азимов, Саида Барака, Матбуотчилар, Сайилгоҳ, Элбек, Кичик ҳалқа йўли, Шаҳрисабз, Т.Шевченко, Нукус, Ойбек, Кичик Бешёғоч, А.Қаҳор, Хайдар Алиев, Олтин вайди, Фидокор, Авлиёбота, Моштабиб, Миробод кўчалари, М-1, 2, 4, 5, 7, Қўшбеги, Бошлик, Учқучилар шаҳарчаси турар жой даҳалари.

**"Водник" қозонхонаси**  
26 март - ҳисобланган ҳарорат 3 апрель - босим билан текшириш (опрессовка)  
- "Сувоси" турар-жой мавзеи доирасида, Хусайн Бойқаро кўчаси.

**"Санотэнерго" қозонхонаси**  
28 март - ҳисобланган ҳарорат 9 апрель - босим билан текшириш (опрессовка)  
- "Қурувчи" турар-жой мавзеи.

"Санотэнерго" қозонхонаси таъсир доирасида бўлган худудда 9 апрель куни иситиш сув таъминоти бўлмайд.

Сизнинг эътиборингизни иситиш тармоқлари қувурларида шикастланишлар бўлиши мумкинлигига қаратамиш. Йўларнинг катнов қисмига ва пидедалар йўлига иситиш сув сачраши мумкин, шу боисдан ҳайдовчилар ва пидедалар, маъмурий ва турар жой биноларидаги одамларнинг эҳтиёткор ва эътиборли бўлишлари талаб этилади.

Вақтинчалик ноқулайликлар бўлишини тушунишингизни сўраймиш. Ноодатий ҳолатни сезсангиз, (71) 215-72-73 телефон орқали маълум қилишингизни сўраймиш.

Куйидаги иситишчиларнинг тўлиқ режалари баҳорги таъмирлаш ишлари муносабати билан тўхтатиш мўлжалланмоқда.

Тўхташ даврида иситишчиларнинг юқорида кўрсатилган йўналишларининг таъсир доирасида бўлган манзилларда иситиш сув таъминоти бўлмайд.

1-ИМ	"Шимоли-Шарқий"	15 апрелдан - 19 апрелгача
2-ИМ	"Қорасув"	29 апрелдан - 3 майгача
3-ИМ	"Фарбий"	29 апрелдан - 3 майгача
4-ИМ	"Шимолий"	8 апрелдан - 12 апрелгача
5-ИМ	"Чилонзор"	15 апрелдан - 19 апрелгача
6-ИМ	"Жануби-Фарбий"	29 апрелдан - 3 майгача
7-ИМ	"Авиасозлар"	13 майдан - 17 майгача
8-ИМ	"Сергели"	8 апрелдан - 12 апрелгача
"Водник"		8 апрелдан - 12 апрелгача
"Санотэнерго"		15 апрелдан - 19 апрелгача
ИЭМ М-0		13 майдан - 17 майгача
ИЭМ М-5,8		20 майдан - 24 майгача

4-ИМ иситишчилар манбасининг тўхтатилиши даврида 10-ИМ иситишчилар манбаси таъсир доирасида бўлган манзилларда иситиш сув таъминоти бўлмайд.

5-ИМ иситишчилар манбасининг тўхтатилиши даврида 9-ИМ иситишчилар манбаси таъсир доирасида бўлган манзилларда иситиш сув таъминоти бўлмайд.

ИЭМ М-0 ва 5-ИМ иситишчилар манбалари таъсир зоналарида, тўхташ даврида, куйидаги манзиллар бўйича иситиш сув таъминоти ўчирилди:

**5-ИМ (М-0,4)**  
15 апрелдан 19 апрелгача  
- Чилонзор даҳаси 9/15, 15А, 9А, 16/20, 21/26, 20А, 30, 31 мавзелар Дўмбиробод, Шарк, Гулистон, Ал-Хоразмий-1, 2, Бешқайрағоч, Иза турар жой даҳалари, Тақачи, Гулистон, Ширин, Лутғий, Катта ҳалқа йўли, Ўрикзор, Катта Хирмонтепа, Заргарлик, Қатортол, Муқимий, Фарҳод, Чўпонота, Богистон, Самарқанд Дарвоза, Сеул, Кичик ҳалқа йўли, Нақшолик, Қозиробод, М.Шайхзода, Қатортол 1-тор кўчаси, Бешқайрағоч, Тўқимачи, Нашриёт, Ю.Саккокий, Фозилтепа, Фарҳод кўчалари, Ўрикзор бозори доирасида.

**ТЭЦ (М-0)**  
13 майдан 17 майгача  
- Ш.Рашидов, 3.Бобур, Шота Руставели, Богистон, Арнасой, Катта Чилонзор, Афросиёб, Шохжаҳон, Д.Шоший, А.Авлоний, Лутғий, Богистон, Нурафшон, Гулҳанний, Беларик, Имом ат-Термизий, Ўрикзор, Богтепа 5-тор кўчаси, Жийдазор 1-тор кўчаси, Муқимий, Аския, Чўпонота, Қатортол, Чилонзор даҳаси 1/10, М, Е, И, даҳалари, Ц-7, Оқтепа мавзелари, Оқтепа турар жой даҳалари.

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

**Куйидаги кафедраларнинг вақант (бўш) лавозимларига педагог-ҳодимлар учун ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

- **Архитектуравий лойиҳалаш:** профессор, доцент, катта ўқитувчи, ассистент;
- **Шаҳарозолик ва ландшафт архитектураси:** кафедра мудири, доцент, катта ўқитувчи, ассистент;
- **Архитектура тарихи ва назарияси:** кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ассистент;
- **Интерьер ва ландшафт дизайни:** профессор, доцент, катта ўқитувчи, ассистент;
- **Тасвирий санъат:** доцент, катта ўқитувчи, ассистент;
- **Мухандислик графикаси ва компьютерда лойиҳалаш:** доцент, катта ўқитувчи, ассистент;
- **Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари технологияси:** кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ассистент;
- **Геодезия ва кадастр:** кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ассистент;
- **Инженерлик коммуникацияларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш:** профессор, доцент, катта ўқитувчи, ассистент;
- **Қурилиш материаллари ва кимё:** профессор, доцент, катта ўқитувчи, ассистент;
- **Математика ва табиий фанлар:** профессор, доцент, катта ўқитувчи, ассистент;
- **Бино ва иншоотлар:** кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ассистент;
- **Қурилиш конструкциялари:** профессор, доцент, катта ўқитувчи, ассистент;
- **Гидротехника иншоотлари, замин ва пойдеворлар:** кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи;
- **Қурилиш технологияси ва ташкилиёти:** профессор, доцент, катта ўқитувчи, ассистент;
- **Қурилиш механикаси ва иншоотлар зилзилабардорлиги:** доцент, катта ўқитувчи, ассистент;
- **Жисмоний тарбия ва психология:** доцент, катта ўқитувчи, ассистент;
- **Иқтисодиёт ва кўчмас мулкни бошқариш:** профессор, доцент, катта ўқитувчи, ассистент;
- **Қурилишда менежмент:** профессор, доцент, катта ўқитувчи, ассистент;
- **Информатика ва информация технологиялари:** доцент, катта ўқитувчи, ассистент;
- **Шаҳар қурилиши ва ҳўжжали:** кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ассистент;
- **Фалсафа ва ижтимоий сийёсий фанлар:** профессор, доцент, катта ўқитувчи, ассистент;
- **Ўзбек ва хорижий тиллар:** кафедра мудири, профессор, катта ўқитувчи, ассистент.

Танловда қатнашиш учун куйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

- ректор номига ариза;
- кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;
- олий маълумоти, илмий даражаси ва илмий ўнвонини тўғрисидаги аттестат ва дипломлар (нусхалари билан);
- паспорт (нусхаси билан);
- илмий ишлар рўйхати (муассасанинг тегишли органи томонидан тасдиқланган);
- малака ошириш тўғрисидаги гувоҳномалар (нусхалари билан);
- меҳнат дафтарчаси (нусхаси билан).

Ҳужжатлар эълон чоп этилган санадан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

# Шанба оқшомида

## САХОВАТГА ЙЎҒРИЛГАН УМР

**Кореянинг чекка қишлоғида туғилган Рональд айни навқирон ёшида автобусда кетаётган, фалокатга учради. Шифохонада кўзини очган йигит ўрнидан турмоқчи бўлди. Аммо унинг битта оёғини кесиб ташлашганди. Оёғи йўқлигини кўриб, у даҳшатга тушди. Чунки айни ўйнаб куладиган, илм оладиган ёшида ногирон бўлиб қолди. Онаизорнинг ўғлига раҳми келар фарзандига қараб эзиларди.**

Кунларнинг бирида онаизор ташвишланган кун рўй берди. Ота ўғлига деди:

— Рональд, энди ўзинг мустақил яшашни ўрган. Ўзингга муносиб иш топ. Биздан сираям ранжима, — дея унинг қўлига озроқ пул бериб, бағрига босди.

Рональд отасидан ҳеч қачон бу гапни айтиб, деб кутмаганди. Шуниг учун ҳаракат бўлиб қолди. Қўзларига ёш келиб, бўғзига нимадир тикилгандек бўлди. Аммо лом-мим дея олмади.

Онасини бир зум қўчи-да ортига қарай қарай мустақил ҳаёт сари йўл олди. Она эса "Болам энди қандай кун кечиради? Мустақил ҳаётга қандай кўнкади?" деганча йиғлаб қолди.

Рональд минг бир азобда ҳасас таёққа сунганча таваккал қилиб Сеул шаҳрига борди. Ҳеч қимми йўқ, шовқин-суронли бу шаҳарда у иш топишга анча қийналди. Нима қилишини билмаган йигит "протез" қўл-оёқлар ясайдиган ишончани топиб, у ернинг раҳбарига ахволини тушунтирди. Меҳрибон ва муруватли инсонлар унинг оёққа туришига кўмаклашди, янги умидли ҳаётга кўнгиртиришди. Даставвал унинг оёғига "протез" оёқ ясаб беришди. Кейин эса уни шоғирдиклик олишди.

Меҳнатқаш, интилувчан, тиришқоқ Рональд тезда ўз иқтидорини, иродалигини кўрсатди. Кейин ота-онасига ўзи, иши ҳақида мактуб битди. Онаизор унинг хатини ўйиб, кўзларига суртди. Кейин фарзандига мактуб ёзди: "Болажоним! Улғайганингни ҳам билмай қолдимиз. Катта шаҳарда оч қилиб кетмадингми? Мабодо қийналиб қолсанг, у ерларда тентираб юрмагин. Тезда хат ёз. Отанг сен ўйлаганчалик қаттиққўл, бемехр эмас. У бу ишни сенинг фойдангга ўйлаб қилган экан. Бизсиз кейин қийналмасин, ҳаётда ўз ўрнини топсин, деб ўйлаган экан. Биз сени доимо яхши кўраемиз".

Волидасининг бу хатини ўқиган ўғилнинг

кўзларига ёш қалқиди. Бу мактуб уни янада олдинга қадам ташлашга ундади. У "Мен доимо меҳнат қилишим шарт" деган гапни ўзига шior қилиб олди.


Кўп вақт ўтмай у ҳам бу ердагилар қатори бинойидек "протез" ясайдиган уста бўлди. Кейин эса Америкага йўл олди. У ердаги ногиронларга "протез" оёқ ва қўллар ясаб берди. Бу орада Кореянинг гўзал қизи Суэн хонимга уйланди. Учта қизлик, бешта набиралик бўлди.

1994 йилда у Суэн хоним билан маслаҳатлашган ҳолда Ўзбекистоннинг пойтахти Тошкентга келишди. Дастлаб улар бу ерда қийналишди. Аммо бу қийинчиликларни матонат билан енгиб, яхши одамлар кўмағида "Янги умид" деб номланган реабилитация марказини очди.

— Бизнинг асл мақсадимиз Ўзбекистондаги барча ногиронларга холис ёрдам бериш, қасб ёки тил ўргатишдир, — дейди биз билан бўлган суҳбатда Рональд Хонг. — Ногиронлар "протез" оёқ ёки қўлга эга бўлишгач, уларнинг ҳаётга бўлган умиди, ишончи ортади. Соғлом инсонлар билан бир сафда меҳнат қилишади. Суэн хоним ногиронларнинг бошини силаб корейс ва инглиз тилидан сабоқ берди.

Шу кунгача бу марказ ногиронларга 500 дан ортик "протез" қўл-оёқлар ясаб берди. Бундан ташқари, эҳтиёжмандларга ногиронлар аравачаси, ортопедик мосламалар, кийим-кечақлар, чойшаблар тарқатди. Ногиронлар учун Рональд Хонг ва Суэн хоним иккинчи ота-онадир. Мен Рональд Хонгнинг ҳаётга, яшашга бўлган ташналиги, чанқоқлиги, олийҳимматлиги, саҳийлигига қойил қолдим. Унинг жик-какина гавдасига тоғдек эгилмас ирода битилган. Ҳар бир ўтаётган дақиқасини мазмунли ўтказишга, ҳаётдан завқ олиб, хайрли ишлар қилиб яшашга интилади. Ундан барчамиз ўрнак олсак арзийди.

**Хонбиби МАХАМОВА**



### Қатрлар

## ГУЛДАСТА

Келинимнинг туғилган кунига шаҳардан яхши бир гулдаста сотиб олдим. Таксида уйга қайтарканман, ёшгина хайдовчи йигит билан манзилга етгунча гурунглашиб бордик. Самимий йигит экан, фикр-мулоҳазалари анча бамаъни эди. Гап билан андармон бўлиб уйга етиб келганимни ҳам сезмай қолибман. Кўча бошида раҳмат айта-айта мошинадан тушиб қолдим.

Остонада келиним одатича "Яхши келдингизми, дадажон?" дея қулиб, самимий қарши олди. "Раҳмат қизим, табриклайман туғилган кунингиз билан" дедиму кўлимга қарадим ва афсус билан уф тордим. Гулдастани мошинанинг орқа ўриндиғида унутиб қолдирган эканман.

Оилавий даврада тантана давом этар, ширинтой набиралар навбат билан шеър ўқишиб, табрик сўзларини айтишар эди. Менга эса нимадир етишмас, нимадандир кўнглим тўлмас эди.

Шу маҳал кўчадаги эшик кетма-кет жиринглади. Катта набирам биринчи бўлиб кўчадаги дарвозага бориб келди ва мени ташқарида кимдир қақираётганини айтди. Шошиб чиқсам ўша таксичи йигит, қўлида мен унутиб қолдирган гулдаста. Беихтиёр суюниб кетдим.

— Қани, қани, ичкарига киринг! — дедим йигитни уйга чорлаб.

— Раҳмат амаки, ишларим кўп.

— Қизик, уйни, уйимизни қандоқ топиб келдингиз?

— Шу кўчадаги ҳар бир хонадонга эринмай кириб чиқдим, ахирини топдим.

— Раҳмат, ўғлим, илоё йўлингиз ҳамиша беҳатар бўлсин.

— Айтганингиз келсин.

Уйга кириб, гулдастани келинимга топширарканман, нимадандир қувонар, ўзимча ҳовлиқар эдим.

— Болаларим! — дедим. — Энди ҳаммасини бошидан бошлаймиз, оилавий байрамимиз мана энди бошланади.



## МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРМОҚ ХАЙРЛИДИР

Ҳосилнинг чўғи ўримда билинади.

Бировнинг ёрдами миннатли бўлади.

Кўнгил — сирлар сандиғи.

Ширин сўзнинг сеҳри бор.

Одамлар бировнинг яхшилигини эмас, ёмонлигини гапирадилар.

Ҳисоб-китоби тўғри киши аросатда қолмайди.

Сохтакорлик дарҳол кўзга ташланади.

Одамзод бошқаларга ҳавас қилиб яшайди.

Кўп нарса кишининг ўзига боғлиқ.

Молу давлатнинг ўзи бахтли бўлиш учун кифоя эмас.

Қўлидан иш келган хор бўлмайди.

Бировнинг кўнглига йўл топиш қийин.

Аҳмоққа ён берсанг, балога қоласан.

Ёмоннинг ўзи ҳам кун кўрмайди, бошқага ҳам кун бермайди.

Ўзини кўрсатишга уриниш жаҳлатдан.

Доно айбни ўзидан қидиради, нодон ўзгадан.

Ваъдани ҳамма ҳам беради, лекин жуда оз киши унга вафо қилади.

Яхшининг яхшилиги ўзидан узок яшайди, ёмоннинг ёмонлиги ўзидан қисқа.

Яхши фарзанд раҳмат келтирар, ёмон фарзанд лаънат келтирар.

Нодонлар топишса, донога йўл беришмайди.


Ҳамма нарсани ўз устига олиб, ўзини қийнайдиғанлар бор.

## КРОССВОРД

**Энига:** 1. Баҳс, дискуссия. 4. Ҳокими мутлақ (русча). 7. ... Раҳимов (актёр). 8. Мусика ёзуви. 9. Катъий сўз. 10. Эмиль... (фоксучи). 12. Намозни бошқарувчи домла. 13. Муҳаббат, севги. 14. Уйламай ҳаракат қиладиган. 15. Азиз неъмат. 18. Яра боғлайдиган доқа лента. 20. ... Отажонов (хонанда). 23. Чилда, тўзим. 26. Тикув машинаси галтаги. 28. Қишлоқ хўжалик қуроли. 30. Иккимояй бурч. 31. Ўзбекистондаги дарё. 33. Ҳинд фильми. 35. Шаклдош сўзлар. 39. Шаҳар транспорти. 41. Касал (синоним). 42. Бошқоқ дон. 44. Покистон кийим-кечак фирмаси. 46. Спорт тури. 48. Ёритиш асбоби. 50. Ақлни пешловчи фан. 54. Фойда, наф. 56. Яра дориси. 57. Парда Турсин романи. 59. Гуноҳдор. 61. Ҳарбий мажбуриятни ўташ. 63. "Кўтлуг қон"даги образ. 65. Эртадан кейинги кун. 67. Улик тил. 70. Чевар асбоби. 73. Автомобиль қисми. 75. Ер шарининг жанубий қисми. 76. Вужуд, жусса. 78. Суднинг қатъий қарори. 79. Косметик модда. 80. Касаллик тури. 81. ... Турдиев (актёр). 82. Рожа рафикаси. 83. Ўқ отиш қуроли. 84. Хоразм вилоятидаги туман.

**Бўйига:** 1. Физик заряд. 2. Нутқ сўзловчи. 3. Булбул (синоним). 4. Езма иш. 5. Қадимги Эрон пули. 6. Вокал асар. 9. Қовун нави. 11. Бир-бирига уйғун товушлар. 16. Пайғамбар кўёви. 17. Шарм, ҳаё. 19. Тупроқ. 20. Африкадаги шаҳар. 21. Қуй. 22. Танадаги асосий суюқлик. 23. Нав, хил. 24. ... Дарвеш. 25. Хўжайралар бирикмаси. 27. ... рози, худо рози. 29. Катъий қарор. 30. Шинжи... (футболчи). 32. Театрдаги томошабин жойи. 34. Осмон jisмлари ҳақидаги фан. 36. Қарам мамлакат. 37. Оёқлари калта стол. 38. Синфий жамиятдан олдинги. 40. Каноп, жут, зигирля пўстлоғи. 41. Даста, тутқич. 43. Шох-шабали девор. 45. Кўп, сероб. 47. Тошкент шаҳридаги туман. 49. Андижон вилоятидаги туман. 51. Синувчан. 52. Тақослаб тасвирлаш. 53. Суг маҳсулоти. 55. Тўқима газмол. 56. Тахтанинг "дўсти". 58. Ҳайтлиқ даври. 60. БМТ (русча). 62. Ез ойи. 64. Беморларни техник текшириш. 66. Ортирилган билим. 68. Таг, туб. 69. Абдий, умрбод. 70. АҚШ ва Канададаги шаршара. 71. Катта қон томири. 72. Дархат пўстидан тайёрланган материал. 73. Тошкент вилоятидаги қўл. 74. Тарелка (шева). 76. Қон оқадиган орган. 77. Ношуд, эпсиз.

Тузувчи: **Файзулла АБДУЛЛАЕВ**



## БАҲОРГИ ВИТАМИНЛАР ЕТИШМОВЧИЛИГИНИ ҚАНДАЙ ТЎЛДИРАМИЗ?

Агарда баҳорги қуёш сизда кўтаринки кайфият ўрнига тушкунлик, ҳолсизланиш ва қайта-қайталанувчи шамоллашлар қақираётган бўлса, билинми бу — гиповитаминозидир. Шундай экан, дарҳол фойдали маҳсулотларни истеъмол қилишдан илгари организмга аввал қайси витамин етишмаётганини билиш керак.

**А витамини етишмаслиги белгилари:** тери қуруқлашиши ва дағаллашиши, оғиз бурчаларини бичилиши. Кўриш ўткирлигининг бузилиши. Нималарни истеъмол қилмоқ керак: балик ёғи препаратлари, жигар, сабзи, ўрик қоқи, сариеғ, пишлоқ, тухум, сметана, қаймоқ.

**В гуруҳи витаминлари етишмовчилиги белгилари:** тез толиқиш, бош оғриши, хотирани сусайиши, ич келишини бузилиши, теридаги ўзгаришлар — дерматит, тошмалар, кепакланиши.

Нималарни истеъмол қилмоқ керак: В гуруҳи тутувчи витаминкомплекслар, творог, қарам, гуруч, қўқатлар, банан, балик, пишлоқ, гўшт.

**С витамини етишмаслиги белгилари:** милқлар қонаши, танада кўқаришларни сабаб бўлиши, терини оқариши ва қуруши, инфекцияларга мойиллигини ортиши.

Нималарни истеъмол қилмоқ керак: наъматак, цитрусли мевалар, олма, қора смородина, қарам, қизилча, пиёз, зангори нўхат, аччиқ қалампир, янги узилган қўқатлар.

**Д витамини етишмаслиги белгилари:** уйқусизлик, оғиз ва томоқни оғриши, кўришни хиралашиши, ич келишини бузилиши (диарея), теридаги энгил шикастларни узок вақтгача битмаслиги.

Нималарни истеъмол қилмоқ керак: тухум, жигар, треска, балқининг ёғли навлари, қаймоқ, сметана.

**Е витамини етишмаслиги белгилари:** ўта асабийлик, мускуллар спазми, оёқ ва қўлларда пигмент доғларни пайдо бўлиши. Организмнинг антиоксидант фаоллигини камайиши натижасида эрта кексайишга мойиллиги.

Нималарни истеъмол қилмоқ керак: ундирилган бугдой, гуруч, нўхат, бодом, арахис, барча ўсимлик мойлари.